

YOSHLAR OVOZI



AKS-SADO

БУ БОҒ ХОРАЗМНИНГ “ТАШРИФ ҚОҒОЗИ” БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг Хоразмга бу қадрига эришиш ҳақида алоҳида таъкидлади. Президентимиз Хива шаҳрига Урганч – Хива поездига келди!

Юртбошимиз сайёҳларни қадимий тарихимиз ва қадриятларимиз билан жалб қилиб, Хивага келиб қатта таассурот, билим олиб кетишига эришиш ҳақида алоҳида таъкидлади. Мазкур воқеа барчамизни бирдек қувонтирди. Бойси шу пайтгача аксарият сайёҳлар Ўзбекистонга ташриф буюрганда Самарканд ва Бухоронинггина томоша қилиб, қайтарди. Бугун эса, Хоразм меъморчилиги намуналари асосида воҳани ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кенг миқёсда ишлар давом эттирилмоқда. Замонавий Хива вокзали билан “Ичан-қалъа” музей-қўриқхонаси ўртасидаги икки километрик масофада қатта бунёдкорлик ишларини бажариш, туризмни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий инвесторларга “яшил йўлак” принципи жорий этилган бўлди.

Президентимизнинг Урганч шаҳридаги “Нихол” инновацион мактабига ташрифи вилоятда таълим тизимини янада ривожлантириш, бу борда жаҳон тажрибасини қўллаш

учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Бошланғич синфларга ментал арифметикани ўргатишга ихтисослашган ушбу нодавлат таълим муассасасида инглиз, рус тили фанлари ҳам чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади. Давлатимиз раҳбари ментал арифметикага бўлган талабни эътиборга олган ҳолда, уни ўқитиш методологиясини такомиллаштириш, ўқувчиларда мантикий фикрлаш қобилиятини юксалтириш, мактабни энг намунали таълим муассасаларидан бирига айлантириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Бундан ташқари, юртбошимиз Жалолиддин Мангуберди мемориал боғи лойиҳаси билан ҳам танишди. Буюк бобомизнинг ҳайкали унинг жасорати ва шону шавкатига мос маҳабатли бўлиши заруралини таъкидлаб, бу майдон тарихимиз кўзгуси, Хоразмнинг “ташриф қоғози” бўлиши кераклигини қайд этди. Майдон чуқур мазмунли, бетакрор ва муаззам ансамблга айлантирилган бўлди.

Дарҳақиқат, юрт озодлиги йўлида жонини фидо қилган шох ва саркарда аждодимизнинг жасорати биз, ёшлар учун қатта ибратдир. Унинг буюк меросини абадийлаштириш, ватанпарварлик, садақат туйғуларини қалбимизга жо этиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Иқбол МАШАРИПОВА

TASANNO!



Шахматчиларимиз тарихга кирди

Туркиянинг Кўнё шаҳрида 16 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси якунига етди. Унда дунёнинг 39 мамлакатидан сараланган 250 нафарга яқин спортчи қатнашди. Қувонарлиси, маҳоратли шахматчлар — Нодирбек Ёқуббоев, Нодирбек Абдусаторов, Жавохир Синдоров, Шамсиддин Вохидов ва Ситора Сапаровдан ташкил

топган Ўзбекистон терма жамоаси нуфузли мусобақада юқори натижа кўрсатиб, олтин медаль билан юртга қайтди. Нодирбек Ёқуббоев ва Шамсиддин Вохидовлар ҳам олтин медални қўлга киритди. Вакилларимиз сўнгги турда хитойлик ракибларини мағлубиятга учратиб, бохусуланинг олий поғонасига қўтарилди. Бу Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси тарихида

хали бирон марта кузатилмаган ҳолат. Ўзбекистонлик спорт усталари тўққизта турда фақат америкаликларга имкониятнинг бой берди. Шунга қарамай, Россия, Хитой, Хиндистон, Эрон, Украина, Венгрия терма жамоаларидан бир бош устунигини намоён этиб, чемпионлик тоғига эришганининг ўзи қатта гап.

Ш.ЭРКИНОВ

YUKSALISH

МАВЗУ — КЕРАКЛИ, ЁНДАШУВ — ЎЗГАЧА

Пойтахтимизда Бошқарув инновациялари кунлари бўлиб ўтмоқда



Бир қанча давра суҳбатлари, тақдиротлар, нетворкинг ва семинар-тренингларни ўз ичига қамраб олган ноанъанавий анжуман Инновацион ривожланиш вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Буюк Британия элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тафсилотларга ўтишдан аввал бир жиҳатта алоҳида эътиборингизни қаратсак:

**ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА
ЮРТИМИЗДА ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА
ТЎПЛАНГАН ТАЖРИБА, УШБУ
СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШДА ТАТБИҚ
ЭТИЛАЁТГАН ИННОВАЦИЯЛАР**

ҲАР ДИЛДА ЁНГАН ЧИРОҚ

Ёшлиқ ўз номи билан орзу ва интилишлар фасли. У инсон умрининг баҳори бўлиши баробарида, масъулиятли давр ҳам. Ана шундай паллада инсонга кўрсатилган эътибор унинг келгуси ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Юртимиз ёшларини Ватан саодати йўлида бирлаштиришдек эзгу мақсадга хизмат қилаётган “Ўзбекистон

ёшлари — янги замон бунёдкорлари!” шиори остидаги фестивал **Қорақалпоғистон** дидарида кўтаринки қайфиятда ташкил қилинди. Унга 20 миң нафарга яқин йигит-қиз камраб олинди. Йирик лойиҳа доирасида 116 манзилда турли талбирлар ўтказилди. Ёшларнинг кўпгина ижтимоий муаммоларига ечим топилди. Қолган масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Қишлоқ шароитида ўсган бола спортга меҳр қўйиб, дунё аренасида юрт байроғини баланд кўтариши учун нечоғлик машаққатли йўлни босиб ўтиши керак. Юртимизнинг олис ҳудуди Қанлиқўлда истиқомат қилаётган 12 ёшли Илҳом Ўралбаева Ёшлар иттифоқи велосипед совға қилди. Бунинг учун пойтахтдан шунча йўл босиб келиш шартмиди, совғани туман мутасаддилари ҳам эгасига топшираварди,



УЛАР ЭСА, ОЗМИ-КЎПМИ, БАРИБИР, МАВЖУД, ҲАР ҚАЙСИ СЕКТОРДАГИ МУАММО ВА ЮТУҚЛАР ҲАЛИ БИРОН МАРТА БУНДАЙ КЕНГ ФОРМАТДА, МУҲИМИ, ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ИШТИРОКИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН ЭМАС. БУ САФАР ҒАЛВИР БОР-БУДИЧА СУВДАН КЎТАРИЛДИ, ДЕЙИШГА ҲАҚЛИМИЗ.

Нима бўлганда ҳам, фойдамизга кўтарилди. Сабаби Бошқарув инновациялари кунларига иштирокчи сифатида тақлим қилинган барча вазирлик ва идоралар, кўмита ва марказлар, давлат тасарруфидаги ташкилот ҳамда муассасалар, қолаверса, тижорат банкарининг маъсул ходимлари —

**САЛҚАМ ЮЗ НАФАРГА ЯҚИН
РАСМИЙ ДЕЛЕГАТ ШУНЧАКИ
ХОРИЖИЙ ҲАМКАСБЛАРИДАН СА-
БОҚ ОЛИШ ЭКИ УЛАРНИНГ “АҚ-
ЛИ МАЪРУЗАЛАРИ”НИ ЭШИТИШ
УЧУН ЙИГИЛГАН ИҶҚ.**

Бошқарувчиларимиз, аввало, бир-бири билан конструктив мулоқотга киришди. Бундан ташқари, кичик гуруҳларда турли интерфаол машғулларни бажариб, давлат тузилмалари ишини ташкил этиш, бошқариш ва стратегик режалаштириш жараёнларини ҳолисона таҳлил қилди. Янада аниқроқ қилиб айтганда, юзига кўзгу тутиб, йўл қўяётган хато-камчиликларини рўй-рост кўра билди.

(Давоми 2-саҳифада)

SHU SONGA XABAR

МАРТДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, БМТнинг наркотиклар ва жиноятга қарши кураш бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ўртасида ўзаро англашув меҳорандуми имзоланди.

Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессияси доирасида бўлиб ўтган тадбирда тўртала ташкилот ва муассаса вакиллари иштирок этди.

БМТнинг наркотиклар ва жиноятга

қарши кураш бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Ашита Мигтал таъкидлаганидек, келаси йил март ойида Тошкентда “Таълим учун адолат” шиори остида БМТ моделининг халқаро конференцияси ўтказилиши режалаштирилган. Анжуманда юртимиз ва хорижий давлатлардан 250 нафар талаба катнашиб, дипломатик, етакчилик ва нотиклик маҳоратини мустаҳкамлаш имконига эга бўлади.

Мухбиримиз

Тошкентда яна бир Корея университети филиали очилади

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 30 ноябрдаги “Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ пойтахтимизда қурилиш, архитектура, электротехника соҳалари ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Жанубий Кореянинг Аджу университети филиали очилади.

Янги олий ўқув юртини молиялаштириш тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинаётган талабалар маблаглари, хўжалик фаолиятдан тушадиган даромадлар, шартнома асосида хизмат кўрсатиш ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетни ҳисобидан келгуси ўқув йилининг бошида университет бино ва иншоотларини тайёрлаш бўйича таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилади.

Ўқув жараёнида кадрларни тайёрлашнинг юқори даражасини таъминловчи илгор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланилади. 2019/2020 ўқув йилида университетда бир вақтнинг ўзида бакалаврларни тайёрлашнинг учта — архитектура, электротехника ва

қурилиш-инжиниринг йўналишлари очилиши режалаштирилмоқда. Мазкур таълим йўналиши битирувчиларига Аджу университетининг Ўзбекистонда олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат, деб тан олинган белгиланган намунадаги дипломни берилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Банк-молия академиясида магистратура ихтисослиги бўйича бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Аджу университетининг иқтисодий ва бизнес олий мактаби очилади.

Олий ўқув юртида таълимдан фойдаланиш даражасини ошириш учун 2019/2020 ва 2020/2021 ўқув йилларида ўқишга қабул қилинган маҳаллий талабаларга таълим сўнгига қадар шартнома пулининг маълум қисми давлат бюджетни ҳисобидан тўлаб берилиши кўринишидаги давлат қўмаги тақдим этилади. Таъкидлаш жоизки, давлат қўмаги тақдим этилаётган талабалар республикамиз давлат ташкилотларида ихтисослиги бўйича камида уч йил ишлаб бериш шартин билан ишга тақсимланади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА МУХБИРИ

JINOYATGA QARSHI KURASHISH HAQIQATI VA ADOLATI

Аёл жиноятчи бўлса...

Зoir КАМОЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди судьяси.
ЎЗА

Бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилаётган сайёр суд мажлисларида аҳоли ўртасида юзага келаётган муаммолар жойида ҳал этилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо бундай муаммолар сабаби аёлларга бориб тақалганда кўнглингиз хижил бўлади. Айниқса, ўғрилик, товламачилик, талончилик каби жиноятларга аёлларнинг қўл уриши жуда ачинарли ҳол.

Шундай жиноий ишлардан бири Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг очик сайёр суд мажлисида муҳокама қилиниб, қонунга мувофиқ ҳукм ўқилди.

1989 йили Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, турмушга чиқмаган, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган Сайёра Эгамовага (мақолада барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) оид жиноят иши кўриб чиқилди.

Судланувчининг қинғир ишларини эшитган ёқа ушлагиниз тайин. Ҳали оила, фарзанд қадрини билмайдиган бу қиз 2014 йилдан 2016 йилга қадар Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳасида истиқомат қилувчи Шарофат Солиеванинг боласига энағалик қилиб, унинг уйда истиқомат қилиб келган. 2009 йилда туғилган Ф.Б.ни турли важлар билан уриб-дўппослаб, баданига сигарета чўғи ва қиздирилган темир буюмларни босиб, тирнаб азоб етказиб, “эркакка ўхшашинг керак, латта бўлмагин” деган ваҳшат билан болани оғир жисмларни кўтаришга мажбурлаб, ҳўрлаб муттасил равишда қийнаб келган. Тиббий экспертиза ҳулосасига кўра, вояга етмаган Ф.Б.да бурун чап ён соҳаси ва кўкрак олд юзасида чандиклар, яъни яранинг битишидан кейинги излар, чап биллак соҳасида шилнимларнинг битишидан кейинги излар мавжудлиги аниқланди.

Бу жинояти билан чекланиб қолмай, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириш учун антика усул ўйлаб топди. Яъни, уй эгаси Шарофат Солиевага турли хил уйдирмалар тўқиб, Анжелика исмли фолбин таниши борлигини ва у фол очиб, “Агар битта хўроз олиб қурбонлик қилинмаса, уй эгаларига фалокат ёғилиши”ни уқтиради. Содда аёлни чўв тушириб, баҳоси 800 минг сўмлик тилла зирақларини гаровга қўйдириб, ломбарддан 426 минг 800 сўм пул олади ва ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборди.

Бундан ташқари, Сайёра Эгамова ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Шарофат Солиеванинг фуқаролик паспортини қасдан йиритиб ташлайди.

Пул топишининг осон йўлини топиб олган Сайёранинг жиноий ҳаракатлари бу билан тўхтамади. У оддинга товламачилик йўли билан пуллари ўзлаштирган бўлса, энди бу жиноятга Шарофат Солиеванинг 2007 йилда туғилган қизи Л.Б.ни ҳам жалб этади. Содир бўлаётган воқеани тўла тушуниб етиш қобилиятига эга бўлмаган даражада ёши кичиклигидан фойдаланиб, унинг қулониға ҳам Анжелика исмли фолбин таниши билан боғлиқ уйдирмаларни қўяди ва қизалоқни бошқа жойда истиқомат қилувчи келиноийнинг уйига ўғриликка жўнади. “Келиноийнинг тилла тақинчочларини ҳеч кимга билдирмасдан олиб чиқиб берсанг, фолбин уйингизга ёғилдиган фалокатни кайтарамди”, деган ёлгон билан қизча орқали фуқаро З.Ортиқовага тегишли нархи 1 миллион 500 минг сўм бўлган бир жуфт тилла сиргани яширин равишда талон-тарож қилган.

Сайёра Эгамовага ишамасдан пул топиш мейдек ёқиб қолганиданми, у қизалоқни яна бир марта ёлгон-яшиқлари билан авраб, бу сафар З.Ортиқованинг 2 миллион сўм бўлган бир жуфт тилла сирганини қўлга киритади. Ёш боладан фойдаланиб яна ўша аёлнинг нархи 5 миллион сўмлик тилла тақинчочларини ҳам ўзлаштириб олади.

Ушбу ҳаракатлари билан Сайёра Эгамова вояга етмаган қизалоқни бир неча бор жиноят қилишга жалб қилади. З.Ортиқовага тегишли жами нархи 8 миллион 500 минг сўм бўлган тилла тақинчочларни ўз эҳтиёжи учун олади.

Кинғир ишнинг қийғи қирқ йилда ҳам чиқади, деганларидек, унинг ҳам қилмишлари фож бўлди.

Судда С.Эгамовани жамиятдан ажратмаган ҳолда унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган ҳулосага келинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қилинди ва суд етказилган зарарини судланувчидан ундиришни ва ашёвий далиллар тақдирини ҳал этишни лозим топди.

Аммо бу муаммонинг ечими эмас. Нега аёл жиноятчи бўлиб қолди? Қора курсига ўтиришгача бўлган омиллар қандай? У жазони ўтаб бўлгач, ижобий томонга ўзгарадими?

Бу каби саволлар ҳар бир қиз ўстираётган ота-онани ўйлантириши лозим.

ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРДА УЧРАШУВЛАР КЎПАЯДИ

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

Аввал хабар қилганимиздек, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида Ўзбекистон Ёшлар итти-

фоқининг Куролли Кучлар тизимидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари учун қайта тайёрлаш ўқув-курслари ташкил этилган эди. Бир



МАВЗУ — КЕРАКЛИ, ЁНДАШУВ — ЎЗГАЧА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари Шароф Ражаббоев, Буюк Британиянинг юртимиздаги элчиси ёрдამчиси Дэвид Спайерс, шунингдек, БМТ Тараққиёт дастури лойиҳа раҳбари Бунёд Авлиқулов сўзга чиқиб, тадбирнинг мазмун-мундарижаси ва аҳамияти ҳақида тўхтади.

— Ер юзидаги исталган мамлакат ривожланишини истайдиган, — таъкидлади Д.Спайерс. — Бирок мазкур жараён нафақат иқтисодиёт, балки давлат бошқарувида ҳам кечмоғи даркор. Шу нуқтага назардан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятида инновацион ёндашувларни татбиқ этишга зарурат сезиши табиий ҳол. Ўйлайманки, уч кун давомида британиялик мутахассислар билан бирга Ўзбекистондаги давлат бошқарувида айна жихатта нечоғлиқ эътибор қаратилаётгани ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қиламиз.

Давлат бошқаруви мураккаб ва кўп қиррали механизм. Юқори доирада қабул қилинадиган қарорлар миллионлаб фуқаролар ҳаётига, турмуш тарзига, бординки, тақдирига бевосита ёки билвосита таъ-



сир кўрсатиши аниқ. Демак, мазкур жараёнда шохша-шошарликка йўл қўймайлик, аввало, халқ манфаатларини ҳисобга олиш, оддий одамлар фикрини ўрганиш ва ўй-истаклари билан ҳисоблаш шундан мумкин. Бу бўйича Британия ҳукумати қандай ечимлар тақлиф қилаётгани тўғрисида Бирлашган Қиролликнинг Вазирлар Маҳкамаси қотибияти ҳузуридаги Очик инновационлар бўлими раҳбари Крис Уэббер “Асосли сиёсат” деб номланган семинар-тренинг машғулотлари давомида маълумот берди. — Британияда сиёсий элита

ҳамда давлат органлари жуда кўп масалаларда илмий доиралар билан бамаслаҳат иш тутайди, — дейди эксперт. — Яъни, биз ўз фаолиятимизда, албатта, илмий талқиотларга таянамиз. Бирок давлат идоралари ҳодимлари ва талқиотчилар ўзаро мулоқотга киришиши бирмунча қийин. Сабаби иккала қатлам аҳбороти турлича қабул қилади ва турлича узади. Амалдорларнинг ўз тили бор, у олимларниқидан кескин фарқланади. Қолаверса, икки томоннинг манфаатлари ҳам бир хил эмас. Масалан, талқиотчи илмий иши юзасидан кўпроқ мақо-

ла чоп эттиришга интилади. Билмак, изланишлари эртага давлат аҳамиятидаги қарорлар қабул қилишда аскадаими-йўқми, бу унга унчалик қизиқ эмас. Охири, илмий талқиотчи фаолиятига баҳо бериш тизимига ўзгартириш киритиш орқали масалага ечим топдик. Бугунги муҳокамалардан кейин Ўзбекистондаги давлат бошқаруви сектори вакиллари ҳам ўзлари дуч келаётган муаммо ва тўсиқлар ҳақида гапириб берди. Лекин, тан олиш керак, олдинга силжиш бор. Менга, айниқса, Президентнинг виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналари манзур бўлди. Бу икки институт юртингизда аҳоли билан қайта алоқа боғлашнинг самарали механизми жорий қилинганидан далолат беради.

Биринчи кун иштирокчилар учун давлат бошқарувида ижодий фикрлаш ҳамда маълумотлар асосида бошқаруви йўлга қўйишга доир семинар-тренинглр ҳам ўтилди. Муҳокамалар қизгин, ҳатто баҳсли тус олди.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида “Давлат бошқарувида амалий инновационлар” мавзусида давра суҳбатини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Шунингдек, қизқувчилар хоржий мутахассисларнинг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси, Тошкент шаҳридаги Инха ва Халқаро Вестминстер университетларида ташкил қилинадиган сайёр маърузаларини тинглаши мумкин.

Наргиза УМАРОВА

ҲАР ДИЛДА ЁНГАН ЧИРОҚ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Фестиваль ёшларга сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш имконини ҳам берди. Масалан, Чимбой қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида ўтказилган “Конституция ҳафталиги”да ўқувчилар Бош Қомиссининг мазмун-моҳияти ҳақида тўлиқ маълумот олди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Конституциянинг қабул қилиниши, унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўзлаб берди, — дейди коллеж ўқувчиси Дилдора Айжаркинова. — Ўзим учун кўп нарсаларни билиб олдим. Ҳуқуқий билимим мустаҳкамланди. Бундай учрашувлар кўпроқ ташкил этилишини хоҳлайман.

Шунингдек, Кегейли туманидаги 11-болалар мусика ва санъат мактабида “Карьера кунини” бўлиб ўтди. Унда 203 нафар ёш ўз мутахассислиги бўйича доимий ишга жойлашди.

— Коллежни битирганимга икки йил бўлди, — дейди Бекполат Турсинов. — Ўзимга муносиб иш тополмаётган эдим. Бугун омадим чопди — коллежа уста вазифасида ишга жойлашадиган бўлдим. Республика тарғибот гуруҳи Қорақалпоғис-

тон Республикада ўз миссиясини яқунлаб, Хоразм вилоятига ўтди. Илк кун меҳмонлар Янгибозор, Боғот, Хонқа, Янгиариқ, Ҳазорасп ва Урганч туманларига йўл олди.

Янгибозор тумани ҳокими яқиндагина таъинланган. “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви лойиҳаси ўзгача шукҳда ўтганининг боиси ҳам шу. Туман ҳокими Ўқтам Машарипов, аввало, ёшларга ўзини таништирди. Уларнинг қизиқиш ва муаммолари ҳақида гапирди. Шундан сўнг наврасталар ўзларини қийнаётган муаммоларни айтди. Жумладан, педагогика ва спорт касб-хунар коллежи ўқувчиси Шоира Қаландарова белбоғли кураш бўйича республикада кўплаб ютуқларни қўлга киритгани, аммо моддий қийинчилик сабаб жаҳон чемпионатида катнаша олмаётганидан қуйинди. Ҳоким ёрдამ беришга ваъда қилди. Шу кун янгибозорлик ёшлар “Улғуржи савдо” маскулярия чекланган жамиятига сەҳнат қилди. Эндигина 29 ёшни қаршилаган Максидбек Сафаров тендошларига тадбиркорлик фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Аввалига қичкина савдо дўконини очган бу дўстимиз хозирда

40 нафар юртдошимизни доимий иш билан таъминлаган. Келгусида бу салмоқ янада ортиши кутилмоқда.

Тарғиботчилар 3 декабрь — Халқаро ноғиронлар кунини муносабати билан жисмоний имконияти чекланган болаларга ўқув курслари, спорт анжумлари ҳамда ёшлар наشرлари учун обуна сертификатларини топишди.

Урганч туманида эса, Мурувват уйида истиқомат қилаётган кексалар ҳолидан хабар олди. Шунингдек, бир гуруҳ тарғиботчи ва ёшлар Миллий гвардияга қарашли ҳарбий қисмда бўлди. У ерда ҳарбий-техник кўргазма ташкил қилинди. Юрт посбонлари қандай шароитда хизмат қилаётгани кўрсатилди.

Боғот туманида “Ёшлар уйи”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги хонадонлар қалити 15 та ёш оилга топширилди. Қолаверса, фестиваль доирасида “Юқори малакали бепул тиббий хизмат”, “Болалар китоби” ҳамда “Спорт ҳафталиги” каби лойиҳалар ҳам амалга оширилди. Олис қишлоқ ва овулларда истиқомат қилаётган ёшлар йўқланди. Хоразмда ёшлар фестивали давом этмоқда.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
Сумбулой НУРМЕТОВА

TASHABBUS



Элдор НАВРЎЗОВ

Ўқувчилар ҳавасда

Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан

Пахтакор туманидаги 2-умумтаълим мактабида “Армия ёшлар нигоҳида” деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. У Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Миллий гвардия хизматчиларининг жанговар чиқишлари ҳамда ҳарбий қурол-яроғлар кўргазмаси ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ўз навбатида, улар жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган саҳна кўринишлари билан ҳарбий акаларига ўхшашга қанчалик ҳавас қилишини намоян этди. Яқунда фаол ёшларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.




БУНИСИ БОШҚАЧА-ДА!

Урганч шаҳрида Келин-куёвлар инновацион мактаби фаолияти йўлга қўйилди. Унинг тантанали очилиш маросими вилоят Ёшлар марказида бўлиб ўтди.

Инновацион мактаб ёшларни оилага тайёрлаш, ҳаётий тажрибалардан хабардор этиш, турмушда асқатадиган билим ва кўникмалар орттиришига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган.

Очилиш маросимида ҳар ик-



SUHBATDOSH

КАДР ОРТИДАГИ КАДР

"Қалдирғоч", "Қўнғирок", "Чиркин", "Айтилмаган гаплар" "1+1"... Бу фильмлари ҳозирча кўпчилик кўрмаган. Табиийки, уларни яратган киножодкор ҳам сизга нотаниш. Йўқ, гап фақат унинг ёш эканида эмас, балки анчайин мураккаб, бизнингча, "тушунарли" оламида. Андижондан келиб, Тошкентнинг бир кунжагида — Ўрта Чирчиқда ўртачаликдан қочиб яшаётган ушбу тенгдошимизни ўз уйда сўхбатга тордик. Сўхбатни имкон қадар қисқа ва лўнда қилишга уриндик. Худди унинг фильмлари каби.

— Нега сценарийни актёрларга олдиндан бермайсиз? Бу кизганими ёки ..?

— Актёрнинг маҳоратини шу паллада билишни хоҳлайман. Олдиндан тайёрларлик кўрса, у ролни сахналаштириш бўлиб қолади. Сахналаштириш жараёнини мен бошқарман, актёр эса, образ яратиши керак.

— Адхам Абдурахмонов ким? Режиссёр ёки оператор? У қайси бирда профессионалроқ?

— Бу саволи кўп беришди (кулиб). Адхам Абдурахмонов — режиссёр. Аслида, кинога, актёр сифатида кириб келганман. Лекин кейин режиссурага қобилият ва лаёқатим борлигини пайқадим. Бундай ҳолатларга Европа давлатларида оддий қарашибди. Режиссёр, оператор, сценарист, ҳатто монтаж ишларини ҳам бир киши бажаради. Бунга барчамиз билган Чарли Чаплин яққол мисол. Операторлиқни моливий томондан қийналганим учун ўрганганман, холос.

— Энг яхши режиссёрлик ишингиз?

— Йўқ. Режиссёр халқи бир умр ўз ишидан қониқмай яшайди. Ҳаттоки дунё таниган режиссёр Микел-

анжело Антонионининг ҳам баъзи фильмларидан кўнгли тўлмаган. Менда ҳам шунақа, ижод маҳсулини эфирда намойиш этилган: "Мана шу жойини сал бошқачароқ қилсам бўларди-ку", деб қоламан. Бундай ҳолат мени доимо одам интилишига ундайди.

— Хориж режиссёрларини айтиб ўтасиз. Ўзимизникилар-чи? Кимларнинг фильмларини севиб томоша қиласиз, кимларга ҳавас қиласиз?

— Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобидинов, Юсуф Розиковга... Уларнинг барчаси профессионал, ўз услуби, фикри, дунёқарошига эга.

— Ишингизга қанчалик жиддий ёндашасиз?

— Бирон нарса ёки воқеага муносабат пайдо бўлмасдан туриб, уни кўрсатиб бўлмайди. Режиссёр сифатида ана шу воқеага муносабатимни уйғунмас экан, камерани ёқишни истамайман.

— Яхши кинолар олдингиз. Телекранда видеороликларингизни кўрдик. Шундай экан, нега мустақил равишда фильмлар олма-яписиз?

— "Ўзбеккино" миллий агентли-

гига қисқа метражли фильм сценарийсини топширганмиз. Жараён ҳақида хабарингиз бор. Қўтяпмиз. Бадий кенгаш тасдиқдан ўтиб, молялаштирилса, янгидиклар бўлади. Ўзимни ўзбек киносини янги чўққиларга олиб чиқишга тайёрман, деб ҳисоблайман. Устозлар кўмағида, албатта.

— Қизгин фаолиятга киришингиз учун одатда ким кўпроқ туртки беради?

— 2016 йилда санъат олийгоҳига киришганим, Москвага кетдим. Тиркичилик... Бир кун дўстим Азим Илхомжонов кўнғирок қилиб: "Кино оламан, бош ролда ўйнайсан", — деб қолди. Қайтдим. "Меҳмон" номли қисқа метражли фильм экан. Суратга тушдим. Фильм ўша йилги "PROlogue" — ёш киножодкорлар танловида олий ўринга сазовор бўлди. Шу-шу кинода ҳам, ҳаётда ҳам у билан яқин кадрдонимиз. Хуллас, режиссёрлик соҳасига кириб келишимга Азим сабабчи бўлган.

(Жавондаги китобларга кўз югуртирдим: "Жиноят ва жазо", "Қизил ва қора", "Қиёмат").

— Ўх-ҳў, зўр-ку!

кала ташкилот мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари, фаол йигит-қизлар катнашди.

Ёш келин-куёвларга илк ўқув машғулотини намунали оила соҳиблари ўтиб берди.

— Мазкур мактабда кўп нарсаларни ўрганиш умидидан, — таъкидлади Назоқат Турсунбоева. — Бу ерда олган билимлар оила фаровонлигини таъминлашга ёрдам беради, ажаб эмас. Биринчи дардан таассуротларим катта. Фикримча, мустақил ҳаёт оstonасида турган барча тенгдошларим шу илм даргоҳида таҳсил олса, фойдадан холи бўлмайди.

Мухбиримиз

— Китобларим кўп эди. Ўтган йили хорижга ўқишга кетиш мақсадида 200 тачасини сотиб юбордим — йўлқирага. Бошқа иш, ташвишлар чикиб, боролмадим. Булар қолган-қутгани.

— Сиз учун нима муҳимроқ: киноми ёки оила?

— Уч ака-укамиз. Мен кинони танладим. Укаларим бошқа соҳаларни. Уларнинг кизиқлигини қадрлайман. Аммо барибир алоҳида, ўз-ўзимча яшамокчиман.

— Демокчисизки...

— Кино, кино, кино!

— "Хонтахта фильм"лар ҳақида фикрингиз?

— Токи кам ўқиб, кўп гапирадилар бор экан, улар йўқолмайди.

— Келажакда...

— ...Ўқимокчиман. Фақат бу ерда эмас. Хорижда, Худо хоҳласа. Қолип қарашлар, қотиб қолган ёндашулар, масъулиятсиз "масъул"лар, тоғдай топширигу тирноқдай маблаг, узооқ кутиллардан кейинги рад жавоблари — бари жонга теғди!

— Жонингизга тегмасдан бурун сўхбатимизнинг яқунласак-а унда?

— Тушунганингиз учун раҳмат! (Кулиб қўл ташлайди).

Қайтпман. Қўл соатимга қараб қўяман. Вақтни билиш учун эмас, шунчаки... Ёш бошига шунча илм, мақсад, талаб, кечинма... Очиғи, киносини муҳлисини эмас, мутахассисини кўргандай бўлдим. Ҳозирча у танилмаган, танилса-да, тан олинмаётган кадр... Кадр ортидаги кадр. Майли, хали ҳаммаси олдинда.

Бунёд АБДУЛЛАЕВ

BUGUNNING GAPI

Боборовшан ҒОЗИДИНОВ

Жорий йилнинг олти ойи мобайнида юртимизда 16 минг 449 та оилавий ажрим ҳолати қайд этилди. Ачинарлиси, бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 871 тага кўп.

Маълумотни қайтадан, хижжалаб ўқийман: "Ўн олти минг тўрт юз кирк тўққизта".

Кўз олдимда деразага осилиб йўлга қараётган, нигоҳида соғинчу ўқинч қоришиқ изтироб зуҳрланган гўдақлар, хали охори кетмай орзуга дор бўлган чимилдик гавдаланади. Кейин менга жуда қаттиқ таъсир қилган бир воқеа ёдимга тушади...

Отамнинг укаси (акам) яшайдиган хона эшигини очилиши билан янги буюмларнинг ёқимли ифори димоққа уриларди. Сўнг янги келин бўлиб тушган янгам жилмайиб юзимдан чимчилаб қўярди. Ана шундай қувончли куларда акам фарзандли бўлди. Энди ўша хондан чикким келмай қолди. Мак-

келиннинг сарпо-суриғи қабилар билан ўлчайпти.

— Қизингиз хали ҳам кетмадимми? — дейди автобусдаги аёл ҳамроҳига юзланиб.

— Қайтариб олиб келдим! — дея гўлдайиб жавоб берди шериги. — Қуёв аввалдан ёқмаганди. Қизимнинг кўнглига қараб рози бўлганди. Яхшим бола кўрмасидан ажратиб олибми...

Э-воҳ, ҳаётни кўрган, қап-қатта аёлнинг фикрларини қаранг. Нега бунчалик тубанлашдик-а?! Бир вақтлар уят саналган ҳолатларни бутун оддий воқелиқдай қабул қил-япмиз. Бунинг сабаби нимада? Гап фақат тарбияда бўлса, кеча ажрим-ни ўлим билан баробар ҳисобла-



КЎНИКИШГА КЎНИКИБ ҚОЛДИК

табдан келишим билан чакалоқни кўришга ошқардим. Ўқишга кетаётган ҳам эшикдан қайта мўралардим. Аммо...

Қайсидир куни кечки пайт уйимизга аллаклар келди-ю, ғала-ғовур нафақат тинган, балки дунёни даҳшатли сукунат эгаллаганди. Оиламиздагилар кимнидир чўчитиб юбормаслик учун "тик" этган овоз чиқармасликка келишиб олганди, гўё. Қизиги, доим бирон китмирлик қилиб ғашимга тегадиган акам ёлғиз ўзи биз билан нонушта қилар экан, бошини эгиб, мик этмай ўтирарди. Қандайдир кўнгилсизлик рўй берганини сездим, аммо нима бўлганини аниқ билмасдим. Мактабга жўнаш олдиндан одатдагидек чакалоқни кўриш учун акам яшайдиган хона эшигини очдим. Ҳайратдан қотиб қолдим.

Доим мўъжизалар макони каби қўринадиган хона бўм-бўш эди. Бир четда акамнинг кийимлари уюлиб турар, сал берида тўшаланган шолча устида йиғилмаган ўрин-кўрпадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Бир муддат саррайиб қолдим. Кейин нимадандир қаттиқ кўрқандай мактабга қараб югурдим. Ўша манзаралар ҳалигача кўз олдимдан кетмайди.

Акам янгамни қайтариб олиб келмагунча оиламиздагилар бошқалар олдида гуноҳкордай юрди. Ҳа, у пайтларда ажрашиш уят ҳисобланарди. Одамлар "Фарзандига яхши тарбия бермаган экан", деган дашном эшитишдан қўрққан.

Афсуски, бутун оилалар арзimas сабаб туфайли пароканда бўляпти. Ёшларга панд-насихат қилиб, тўғри йўлга солиши керак бўлган ота-оналар-да бахтни бир кунлик тўди,

ган инсонларнинг фарзанди бутун бахтни моддият билан ўлчашини қандай тушуниш мумкин? Демак, тарбиядан бошқа омиллар ҳам бор экан-да!

Шулар ҳусусида узок ўйладим. Аввал арзimas сабаб билан оиласини ташлаб кетадиган, хиёнат ва вафосизликка муҳаббат ниқоби тақилган киноно сериаллар телеэкрани банд этгани сабаб дедим. Кейин бойликка мук тушиб, кимўзарга тўй қилганимиз муаммонимиз тугуни, деган ҳаёлга бордим. Тагин шу ва шу каби сабабларнинг барчаси бир бутунликда қатта муаммонимиз келтириб чиқаряпти, деб ўйладим. Мулоҳаза қилсам, аслида ажримларга кўникиб бораётганимиз, локайдитимиз, ўзимиздан узоклашаётганимиз масаланинг бош илди экан.

Аксарият оналар дилбандига "Қизи қайтиб келибди", деган иснодни кўтара олмаслигини айтмай қўйди. Оталар ўғлига "Биринчи бахтим — кўнглимнинг кўри, иккинчи бахтим — пешонам шўри", деган ҳикматнинг мағзини қақиб берма-япти. Илгари турмуш қурмоқчи бўлган йигитни кексалар ёнига олиб, панд-насихат берган. Ҳаётини воқеалардан айтиб бериб, "сини киритган" Бундай гурунларнинг таъсири, самараси бўлган, албатта. Ёшлар ўзлари учун тегишли ҳулоса чиқарган. Муҳимни, ҳикмату насихатлар ўғил-қизларни ёши улуглардан без-дилардан. Аксинча, яқинлаштирган. Шу боис оилага муқаддас қўргон сифатида қаралган.

Афсуски, ҳозир айрим ота-оналар фарзандига тўғри тарбия бера олмай-япти. Ор-номус, уят-андиша каби тушунчалар завол топмоқда. Бенхитёр Мавлоно Румийнинг қуйидаги байти ёдга тушади:

Нарса йўқам, хорижи олам эрур,
Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур.
Дарҳақиқат, биз оилавий ажримларни қамайтириш учун хориж таърибасини ўрганиб, ўзлаштиришимиз ёки олашумулул янгилликлар қилдиришимиз шарт эмас. Шунчаки, ЎЗЛИП ТИМИЗГА қайтсак бўлгани.

ISLOHOT ODIMLARI

Қулайлик танганинг бир томони, холос

Маъмура ХЎЖАҚУЛОВА

Тарихини билмаган киши Ватанига садоқатли фарзанд бўла олмайди. Демак, тарихни ўрганиш, буюк алломаларимиз ва кўхна осор-атикаларимизга ҳурмат бажо келтириш — инсоний бурчимиз. Туризмни ривожлантиришга доир сазй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу мақсад ётади. Бежиз эмаски, мамлакатимизда ёшлар туризмига устувор аҳамият қаратилмоқда. Ёшлар туризми агентлигининг ташкил этилгани фикримизга яққол исбот бўла олади.

Агентлик Ёшлар иттифоқи қошида фаолият кўрсатмоқда. Ўтган вақт мобайнида муассаса кўмағида барча вилоятларда ўтказилган Улок-кўп-қари миллий ўйинлари, миллий раке бўйича "Баҳор ифори", "Шарқ таомлари" ҳамда "Сумалак сайли" фестиваллари, шунингдек, миллий либослар кўргазмаси каби маданий тадбирларда 235 минг нафардан

зиёд ёш катнашди.

Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида қатор хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда Ўзбекистонга мунтазам авиакатновларни амалга оширувчи чет эл авиакомпаниялари ҳаво кемалари экипаж аъзолари учун туризм визасини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинган эди. Ёшлар туризми агентлиги яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, нафақат ички туризмни омаллаштириш, балки мамлакатимизга чет эллик сайёҳларни жалб этиш, қолаверса, Ўзбекистоннинг туристик брендини кенг тарғиб қи-

лишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ёшлар туризми агентлиги фақат саёхатлар билан чекланиб қолмай, ёшлар учун керакли ва қизиқарли семинарлар, анжуман ҳамда ярмаркалар ҳам ташкил қилади, — дейди агентлик бўлими бошлиғи Махтума Шамиева. — Шунингдек, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила фарзандлари учун бепул дастуралимиз бор. Ёшларни касбга йўналтириш бўйича хунармандлар билан учрашувлар ҳам иш режамизга киритилган. Кўпгина сайёҳлик компаниялари сайёҳлик хизматларини қиммат нархда сотади. Бизда эса, аксинча — байрам ва таътил кунлари чипталар нархига 50 фоизгача чегирамалар бериш кўзда тутилган. Бундан ташқари, агентлик ёшлар талабига мувофиқ меҳмонхона, овқатланиш жойлари ва транспорт топишда ёрдам беради.

Ёшлар туризми агентлиги бир қатор хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб келмоқда. Масалан, яқинда Индонезиянинг "RD Tours" сайёҳлик компанияси вакиллари билан янги йўналишлар бўйича музокаралар олиб борилди. Учрашув чоғида мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, бу борда халқа-



ро тажрибани ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Умра зиёратига отланган Индонезия фуқароларининг аввал юртимиздаги қадимий шаҳарларга, ўзбекистонлик ёшларнинг эса, Индонезияга саёхатини уюштириш тўғрисида келишиб олдинди.

Жорий йилнинг 26 – 30 апрель кунлари Россия Федерациясида II Ўзбекистон – Россия ёшлар форуми бўлиб ўтган. Унда катнашган агентлик вакиллари россиялик ҳамкорлар билан ёшларнинг иккала мамлакатга саёхат қилишига имкон яратиш орқали туризм соҳасидаги алоқаларни қучайтириш бўйича келишувга эришган. Шу каби форумлар тез-тез ўтказиб турилса, ёшларда хорижий давлатлардаги тенгдошлари билан жонли мулоқот қилиб, тажриба алмашиш имкони туғилади. Бу эса, тараққиётимиз учун жуда муҳим.



PSIXOLOG MASLAHATI

— Yoshim 23 da. Ikki joyda ishlayman. Avval sezilmasdi, lekin oxirgi paytlarda nafaqat jismonan, balki ruhan toliqyapman. Ortiqcha gap-so'zlarga toqatim yo'q, ota-onamni ham bazo'r eshitaman. Boz ustiga, uydagilar o'qishni davom ettirishimga qarshi. Ularga qolsa, ertagayoq meni uylantirib qo'ysa. Xullas, juda charchadim. Nima qilay, maslahat bering.

Anonim savol

Psixolog Zebiniso AHMEDOVA javob beradi:

— Er yigit doimo o'zining mustaqil fikriga ega bo'lishi lozim. Chunki siz ertaga bir oilaning sardori bo'lasiz. Muhim qarorlar qabul qilishga to'g'ri keladi. Demoqchimanki, o'qishingizni davom ettirishni qat'iy istayotgan ekansiz, shu yo'ldan boring. To'g'ri, ota-onangiz tez-roq kelin tushirib, nabiralari ko'rishni istayapti. Bu tabiiy hol. Siz ularning orzu-niyatlarini hurmat qilgan holda, ularga o'z reja-maqsadlaringizni ham yotig'i bilan tushuntiring. Kuch-g'ayratga to'la davringizda o'qib-o'rganishingiz lozim-

ligi, ertaga farzandlaringiz oldida yuzingiz yorug' bo'lishini istashingizni aytin. Mana ko'rasiz, ular sizni tushunadi va qo'llab-quvvatlaydi.

Ayni paytda tushkunlik holatidasiz. Maslahatim, ikki-uch kun o'zingiz uchun vaqt ajratin, tabiat qo'ynida sayr qiling. Ortiqcha, zararli o'y-xayollardan qutulishga harakat qiling. Kayfiyat ulashuvchi taronalar tinglang, nazm gulshanidan bahramand bo'ling. Hali yoshsiz, charchashga ulgurasisiz. Unutmang, oldinda sizni buyuk ishlar kutmoqda.

YOSHLIK ILHOMI

Ovchi va ona bo'ri

Sherzod MAHMUDOV

1.
Kuzning so'nggi oyi. Toqqa qish har galgidan erta keldi. Shiddat bilan qor yog'ar, quturgan bo'ron tinmay guvillab, yeri ko'kni larzaga keltirardi. Soy yoqalab tor so'qmoq yo'ldan yuqoriga chiqib borishda o'rtacha kattalikdagi odam sig'ar ungir ko'rinadi. Mana shu ungirni bo'ri o'ziga in qilgan. Bo'ri doimo yoz oylarida bolalardi. Bu yil esa, ko'payish davri kuzga to'g'ri keldi. Ungirning ichida urg'ochi bo'ri yotibdi. Oyoqlari baquvvat, kallasi katta, yaqindagina ona bo'lgan. Ona bo'ri talashib-tortishib siynasini emayotgan bo'rivachchalari harakatiga qarab bir-ikki g'ingshib qo'ydi.

Erkagi esa, yaqinda ovchilarning tuzog'iga tushib halok bo'ldi. O'shanda ona bo'ri butun vodiyni larzaga soladigan darajada qayg'uli uvillagandi. U erkagi halok bo'lgan joyda ancha vaqtgacha aylanib yurib, atrofini hidlab, juftini topishga urindi.

Ko'p o'tmay, ikki bo'rivachchasi dunyoga keldi. U bolalarini yalab-yulqab, hidlab to'ymasdi. Ammo asta-sekin madori ketib borar, ov qilib kelishni istasa-da, bunga imkon topa olmas, bolalarini yolg'iz tashlab chiqib ketishga qo'rquardi.

Aslida, yurtda ocharchilik boshlangani, xon tomonidan solinayotgan turli-tuman soliqlar oddiy xalqni ezib, tinka-madorini quritayotganini, bor-budidan ayrilgan odamlar tirikchilik payida uzoq o'timishdagidek yovvoyi hayvonlarni ovlab, kun ko'rayotganini ona bo'ri qayerdanam bilsin!

Vodiy atrofida joylashgan qishloqlarda aholi qora qozonini bazo'r qaynatib, ovlagan o'ljasi bilan jon saqlardi.

Bo'rivachchalarning qorni to'y-madi, shekilli, g'ingshigancha onasidan ovqat talab qila boshladi. Ona bo'ri o'zi ham och, nima qilishni bilmaydi. Shu sababli suti kamayib ketgan. Mayli, ov ham qilar, ammo holsiz, kuchi deyarli yo'q. Buning ustiga atrofini qalin qor qoplagan.

2.

Sultonali bag'rini issiqqina tanchaga berib yotar ekan, go'dagi yig'ladi. Zai-fasi Oyshabibi beshkini tebratdi, alla ayt boshladi. Sultonaling ro'parasida o'tirgan uch yoshli o'g'ilchasi onasiga iltijoli boqdi. Ona darhol tushundi — bolasi mana necha kundirki och! Biron yovg'on pishiray desa, uyda hech vaqo yo'q! Eri boyning xizmatini bajaradi. Eva-ziga o'zina choychacha oladi. So'nggi bor olgan xizmat haqi bir-ikki kunga yetdi, xolos...

Oyshabibi chaqalog'ini bir amal-lab uxlatdi. Eriga biroz boqib tur-di-da, nimadir demoqchi bo'lib to-moq qirdi. Sultonali mudragan ko'yi o'ziga kelib, xotiniga qaradi.

— Nima deysan?
— O'g'lingiz...

Sultonali hammasini tushundi. Nega tushunmasin? Go'l emas-ku, axir!

— Nima qilay?
— Bilmasam...

Sultonali o'ya tildi: "Uyda hech vaqo yo'q! Kambag'alchilik qur-sin! Buyoqda qish, bolalarim och... Nima qilay?!"

Sultonali o'rman turdi. Kiyim-larini kiydi-yu, rafiqasiga shipshidi:

— Qishloqni aylanib kelay!

U qishloqning toshloq ko'cha-laridan borardi. Aslida, qayer-ga ketayotgani noma'lum. "Qarz so'rasammikan? Faqat kimdan?!" Qishloqdoshlari ham o'ziga o'xsha-gan-ku!

Sultonali yura-yura Amin o'n-boshining uyiga yetib keldi. Ikkila-nibgina darvozani taqillatdi. Sal-dan keyin ellik yoshlardagi, baland bo'yli o'nboshi ko'rindi. So'ra-shishdi. Sultonali maqsadga o'tdi.

— Amin aka, haligi... sizdan qarz so'rab kelgandim.

O'nboshi boshini sarak-sarak qildi.

— Qarz? Qancha?

Bu Sultonalini umidlantirdi.

— Ko'p emas, o'zina yetadi. Bo-lalarim och...

— Och? Hammaning bolasi och! Men nima qilay? Eshigimni taqil-latib kelgan har kimsaga pul berib yuboraveraymi?

— Amin aka...

— Xafa bo'lma, pulim yo'q! Bo'lganda ham bermasdim! Hozir birovga qarz bersang, yaxshilik qil-sang, avvaliga seni duo qiladi-yu, keyin yuz o'girib ketaveradi.

O'nboshi Sultonaling yelkasiga urib qo'ydi-da, uyga kirib ketdi. Sul-tonali yana bir-ikkita o'ziga to'qroq xonadonlar eshigini qoqdi. Ammo natijasiz. Quruq qo'l bilan, bo'sh-sh-gancha uyiga qaytib keldi. Ayolning umidli ko'zlariga boqolmay, xona-ning o'rtasida bir zum turdi. Keyin devorga ilingan qo'shog'iz miltig'ini oldi. Ha, u bir vaqlar mohir ovchi edi... Miltiqni yelkasiga ilar ekan, xotini birdan so'radi:

— Yo'l bo'lsin?

— Vodiyga!

3.

Ona bo'ri noilojlikdan un-giridan chiqdi. Atrofini kuzatdi. Tumshug'ini un-giriga ko'tarib, u yoq-bu yoqqa bu-rib, atrofdan hid oldi. So'ng qorda izlarini qoldirib keta boshladi. U tajribali edi. Qayerda o'lja bo'lishini yoki qanday yemish topish mumkin-ligini bilardi, ammo hozirgi murak-kab sharoitda taxmini natija ber-masligi ham mumkin.

Qor hamon bir maromda yog'ar, shamolning esa, shiddati biroz pa-saygandi. Ona bo'ri o'z inidan uzoqlashar ekan, bo'rivachchalari xatarga qo'yganini bilmasdi...

Ungir atrofidagi jonzorlar hali qish uyusiga ketib ulgurmagan. Qa-yerdandir ayiq paydo bo'ldi. Uning sezgir quloqlari ungurdan chiqayot-gan bo'rivachchalarning tovushini eshitdi. Ayiq o'ljani payqab quvondi. Asta-sekin ungir tomon yaqinlasha boshladi...

4.

Sultonali vodiyni yaxshi bilar-di. "Jayronlar shu yerda ozu-qa izlayotgandir" degan xayol-da soy tomonga yugurdi. Shu payt soyning narigi qirg'og'ida so'qmoq yo'ldan yuqoriga ko'tarilayotgan ayiqni ko'rib, bildirmaygina jonivo-rning izidan tushdi. Ayiqni otmoqchi bo'ldi. Biroz noqulaylik sezib, yana olg'a yurdi. Keyin miltig'ini ayiqqa to'g'riladi. Ayiq bo'rivachchalar ovozi chiqqan ungirni topdi. Qo'li-ni ichkariga tiqib, bo'rivachchalarni tashqariga tortib oldi. Bo'rivachcha-lar bazo'r tovush chiqarib, g'ing-shidi. Sultonali hammasini ko'rib turardi. Ammo nima qilishni bilmay



qoldi. Mo'ljal olgan ko'yi qo'lidagi miltig'ini tushirmay, qotib turardi. Shunda kutilmagan voqea ro'y ber-di. Qayerdandir qarq'a paydo bo'lib, shundoqqina Sultonaling yonidan uchib o'tdi. Sultonali qo'rqib, tepki-ni bosib yubordi.

Atrofga momoqaldiroqdek gum-burlagan ovoz taraldi. Sultonali o'q tovushidan cho'chib tushdi. Ona bo'ri ovoz ungir tomondan kelganini payqadi. Bolalarini es-lab, xavotirga tushdi. Ini tomon yugurdi.

Miltiqdan otilgan o'q ayiqning yonidan vizillab o'tib, qoyatoshga tegdi. Ayiq sarosimada qo'lidagi bo'rivachchalarni tushirib yubordi. Keyin lapanglagancha uyasiga qa-rab shoshdi.

Ona bo'ri jonholatda ungirga qa-rab yugurdi. Yo'lda oldidan boyagi ayiq o'tib ketdi. Bo'ri qadamlarini yanada tezlatdi.

Sultonali haykaldek qotib turar-di. U o'zi bilmay qilgan ishlaridan shoshib qolgandi. Birozdan so'ng o'ziga keldi. Asta ungir tomon bo-rib ekan, ayiqning o'rni-da bo'ri turganini ko'rdi. Sultonali uning vajohatidan cho'chib ketdi. Ona bo'ri bolalarini axtara boshladi. Shu payt pastroqda qorga belanib yotgan ikki jasadni ko'rdi. Ovchi-dan gumonsiradi. Unga nisbatan cheksiz nafrat tuydi, qattiq g'azab-landi. Endi ona bo'ri oldingidan-da dahshatli edi.

Ayiqning tishi botgan chog'i, bo'rivachchalardan biri g'riqdan ingradi. Ona bo'ri buni eshitdi. Quvonib ketdi. Bolalari tirik! Ular-ning oldiga tushdi. Xursandligidan uvillab yubordi. So'ng ularni ya-lab, to'yib-to'yib hidladi. Asta olib, ungiriga olib kirar ekan, ini oldida qolgan ayiq izlarini ko'rdi. Oldidan ayiqni yugurib o'tganini es-ladi va hammasiga tushungan-dek bo'ldi.

Sultonali o'ziga kelib, bu yer-dan tezroq ketish uchun ortga qaytayotgan pallada orqasi-da nimadir shitirladi. Sultonali qo'rqa-pisa ortiga burildi. Ungir yonida ona bo'ri turar, nigohini unga qadagandi. Sultonali o'kin-di: "Tamom! Hozir meni tilka-po-ra qilib tashlaydi!"

Ona bo'ri esa, hamon ovchidan ko'zini uzmasdi. Ovchi ham, ona bo'ri ham tek qotgandi, bir-biri bi-lan go'yo nigohlar orqali so'zlashar-di. Ona bo'ri yana bir zum ovchiga tikilib turdi-da, indamay iniga kirib ketdi.

Sultonali uyiga quruq qaytdi...

5.

Bahor keldi. Qir-adirlar ko'm-ko'k libosga bur-kandi. Soy va anhor atrofi-da yalpizu jambillar nish urdi. Endi odamlar qishdagidek sovuq qotib, och qolmaydi!

Sultonali xotini bilan o'g'lini bahor havosidan to'yib-to'yib na-fas olishi, qishning g'uborlaridan xalos bo'lishini istab, tog' yon bag'riga olib chiqdi. O'g'li sho-don qiyqirar, Oyshabibi esa, ko'k terishga tushib ketdi. Kun botar mahalda hammalari ortga qaytdi. Soy yoqalab borishdi. Ulardan chamasini o'ttiz metr lar narida-gi katta archaning tagida bo'ri-lar dam olib yotardi. Ona bo'ri ham bolalarini ochiq havoga olib chiqqandi.

— Dada, bo'ri! — dedi o'g'li Sul-tonalini mahkam quchoqlagancha. Sultonali o'g'li ko'rsatgan tomon-ga qaradi. Archa tagidagi bo'rilarga ko'zi tushdi. Rafiqasi bilan o'g'lini tinchlantirdi. O'g'li dadasiga yanada mahkamroq yopishib oldi, Oyshabi-bi esa erining qo'lidan tutdi. Qo'lida quroli yo'q, oldinda esa, ularni katta xavf kutib turibdi!

Bo'rilarning kattasi sekin boshini ko'tarib, ular tomonga qaradi. Bu o'sha ona bo'ri edi! U ovchini tani-di! Lekin yonidagilari kim? Ona bo'ri tushmolladi. Ovchiga sinovchan termildi.

Sultonali ro'parasidagi jonzor qahraton qishdagi bo'ri ekaniga amin bo'ldi. "O'sha yirik, oyoqlari baquvvat, kallasi katta, ko'kish yunglari orasida yakkam-dukkam go' talalar ko'rinadigan ona bo'ri! Namuncha tikiladi? Ochiqmi? Ey Xudo, o'zing yordam ber! Marha-matingni darig' tutma!"

Ona bo'ri o'rman turdi. Ovchi-ni battar qo'rquv bosdi. Lekin ona bo'ri ularga qarab emas, balki qa-rama-qarshi tomonga, tepalikka yura boshladi. Ortidan o'rtacha kattalikdagi ikkita bolasi ergashdi. Oyshabibi bo'rilarning bu ha-rakatiga hangu mang bo'lib, eridan so'radi:

— Bo'rilar... ketdi... Bizga hamla qilmadi, nima uchun?

Sultonali dastavval javob ber-madi. Tobora yuqoriga ko'tarilib, uzoq-lashib borayotgan bo'rilarga qarab turdi-da:

— Chunki bu ona bo'ri! Dunyo-dagi eng aqli jonzor! — dedi. Shu onda esa, ona bo'ri o'z far-zandlarini ergashtirgancha tog'ning yuqori qismiga ko'tarilishda davom etardi...

NUQTAYI NAZAR

HUQUQBUZAR BO'LIB TUG'ILMAYDILAR

Musaxo'ja BAXTIYOROV

Har qaysi shaxs jamiyatda ma'lum qoida-me'yorlarga amal qilib yashashi kerak. Tartibni buzish — huquqbuzarlik. Bunday harakat atrofda qilargalari ziyon yetkazishi turgan gap.



Inson huquqbuzarlik yo'lga ongli ravish-da yursa, demak, huquqqa zid xatti-harakat-ni atayin, oqibatlarini teran anglagan holda sodir etgan hisoblanadi.

Oldimida doimo ikki yo'l bor: qonun ta-lablariga vijdonan yoki majburan bo'ysun-gan holda yashab, jamiyatga foyda kelti-rish yoxud qonunga xilof ish tutib, huquqiy me'yor-talablarni mensimasdan, oxir-oqi-bat, jinoyatchiga aylanish. Qay birini tan-lash dunyoqarashimiz va tarbiyamizga bog'liq.

Bola tarbiyaning mag'zini o'ldiradi. Uning qiziqishini o'z vaqtida ilg'ash, qo-biliyatini to'g'ri yo'naltirish, har tomon-lama nazorat qilib borish, avvalo, ota-ona gardanidagi mas'uliyat. Kattalar farzand-ning qanday o'qiyotgani, kim bilan do'st-la-shayotgani, mobil aloqa vositasi va shaxsiy kompyuteridagi ma'lumotlardan mun-tazam xabarador bo'lishi lozim. Lekin bolaga to'siq-cheklovlar qo'yish, biron narsaga majburlash, bo'lar-bo'lmas bahonalar bilan jazolash yaramaydi. Bunday usullar uning

qiziqishlarini tezda so'ndirib, hafsalasini pir qilib yuboradi.

E'tibor bering, huquqbuzar yoshlarning aksariyati ko'cha bolalari. Ular e'tibor-dan chetda qolgan, vaqti ham bemalol. Azbaroyi bekorchiligidan g'alamislarga qo'shib, avval huquqbuzarga aylanadi, keyin esa, jinoyatga qo'l uradi.

Yana bir muhim qayd. Tarbiya masala-sidagi majburiyatni faqat ota-ona zimma-siga yuklab qo'yish noto'g'ri. Shu nuqtayi nazardan, yurtimizda ijtimoiy hamkorlik-ni "Oila - ta'lim muassasi - mahalla" sxemasiga asoslangan mexanizmi tatbiq etib kelinmoqda. Bu, o'z navbatida, tarbi-yadagi muammolarni bahamjihat hal qilish imkonini beradi.

Yoshlar o'rtasidagi huquqbuzarlik va jinoyatchilik holatlari bilan kurashish-da maktabda o'quvchilarning huquqiy madaniyatini yuksaltirishga qaratilgan ish-lar sifat-saviyasini oshirish ijobiy natijaga olib keladi.

Fariduddin ATTOR

HIKMAT

Agar o'tirsang doimo bekor,
Ishing chiroyli bo'lmog'i dushvor.



MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev,
Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir
o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner
Abdullayev
Xurshid
O'ktamjonovich

Navbatchi
Sherzod Mahmudov

"YOSHLAR OVOZI" dan
materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga
oshirish shart.
belgisi bilan tijoriy
materiallar chop etiladi.

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida,
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma tabaq.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1236
Adadi — 11057

Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 00.45
O'za yakuni — 21.10

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5 6